

**4-ВК/2022-сонли ШАРТНОМА**  
22110012059896-сонли лот

“ 07 ” 04 2022 йил

Нукус ш.

Қарақалпоғистон Республикаси худудий бошкармаси “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК, бир томондан Низоми асосида иш юритувчи директор Р.Мадатбаев бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади ва «О’ЗВЕККОММУНАЛЛОЙИНАQRILISH» ДУК бундан кейин “Бажарувчи” деб номланади Устав асосида иш юритувчи бош директор Э.А.Мухамедалиев бошқа томондан, ушбу шартномани туздилар:

**I. Шартноманинг мавзуси**

- 1.1. “Қонликўл тумани, "Жана кала" ОФИ ҳудудидаги Шомак, Отар ауыл, А.Бегимов аҳоли пунктларидаги ичимлик сув тармоқларни реконструкция қилиш ва янгидан қуриш” лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши.
- 1.2. Буюртмачи кўрсатма беради ва молиялаштиради, бажарувчи ишларни ШНК 1.03.01-16 Корхоналар, бинолар ва иншоотларни капитал қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиши, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби асосида бажарилишини ўз зиммасига олади ҳамда муалифлик назоратни юритади.
- 1.3. Шу билан бирга, Бажарувчи лойиҳа олди ва давлат ҳамда экологик экспертиза ҳулосаларини олишни ўз зиммасига олади.
- 1.4. Шартномани бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 1.5. Бажарувчи буюртмачининг ёзма розилигисиз ишнинг бир қисмини, яъни Бажарувчи томонидан олиб борилмайдиган маҳсус тадқиқот турларини бажариш учун субпудрат шартномасини тузишга ҳақлидир.

**II. Тарафларнинг вазифалари.**

**2.1. Бажарувчи қўйидагиларга мажбурдир:**

- 2.1.1. Техник топшириқларга ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш, буюртмачи билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини мувофиқлаштириш, буюртмачига шартнома бўйича бажарилган барча ҳужжатларни топширади.
- 2.1.2. Бажарувчи буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсга ушбу шартнома бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларни топширишга ҳақли эмас.
- 2.1.3. Бажарувчи ушбу обьектда қурилиш – монтаж, таъмирлаш ишлари якунлангунига қадар муалифлик назоратини олиб боради ва шу жараёнда асосли бўлган ўзгаришларга белгиланган тартибда қўшимча шартнома асосида ҳужжатлар расмийлаштиради.

**2.2. Буюртмачи қўйидагиларга мажбурдир:**

- 2.2.1. Иш бошланишидан олдин, бажарувчига ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида дастлабки ишлаб чиқилган ҳужжатларни (техник топшириқларни) тақдим этади.
- 2.2.2. Ушбу шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартларига асосан бажарувчига белгиланган шартнома қийматини тўлайди.
- 2.2.3. Буюртмачи бажарувчига ишларни бажариш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этишга мажбурдир.
- 2.2.4. Буюртмачи ишлаб чиқилган ҳужжатлар (войиҳа-смета ҳужжатлар)ни фақат ушбу обьект учун пудратчига топширишга ҳақлидир, войиҳа-смета ҳужжатларини бошқа ташкилот ва шахсларга бериш фақатвойиҳалаш ташкилотининг розилиги билан амалга оширилади.

**III. Шартноманинг қиймати ва тўловларни амалга ошириш тартиби.**

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати 2022 йил 03 апрелдаги (59896-сонли лот) ҳарид комиссиясининг баёнига асосан ҚҚС билан, 114 800 000 (Бир юз ўн тўрт миллион саккиз юз минг) сўм.

- 3.2. Буюртмачи бажарувчига шартнома умумий қийматининг **30%** миқдорида бўнак ўтказишни ўз зиммасига олади.
- 3.3. Бажарувчи ҳисоб рақамига бўнак тўловлари келиб тушгандан сўнг ишларни бошлайди.
- 3.4. Буюртмачи шартнома суммасининг қолган қисмини бажарилган ишлар учун ҳисоб-фактура иккала томон имзолаганидан кейин ва тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ молиялаштиради.

#### **IV. Ишларни етказиб бериш тартиби**

- 4.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш ва расмийлаштириш техник топшириқ талабларига мувофиқ белгиланади.
- 4.2. Бажарувчи томонидан расмийлаштирилиши ва буюртмачига тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқ билан белгиланади.
- 4.3. Бажарувчи ишларни якунлагандан сўнг, буюртмачига техник топшириқда назарда тутилган ҳужжатлар тўпламини илова қилган ҳолда ишни топшириш қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.
- 4.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланиб, бўнак тушган кунидан бошлаб **22** кун.
- 4.5. Буюртмачи бажарувчидан техник топшириқда кўрсатилган ҳисбот ҳужжатларини олган кундан бошлаб 10 кун ичida қабул қилишни ўз зиммасига олади;
- 4.6. Агар бажарилган ишда нуқсонлар аниқланса, бажарувчи уларни бартараф этиб, сўнгра 10 кун ичida тузатилган ишни буюртмачига топширишга мажбурдир.

#### **V. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

- 5.1. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида топширмаган тақдирда, Буюртмачи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлиdir.
- 5.2. Буюртмачи бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишни бажаришни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйган ҳолларда, Бажарувчи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлиdir;
- 5.3. Ушбу шартномани бекор қилишни бошлаган томон иккинchi томонга ёзма равишда хабар юборади.
- 5.4. Шартнома бекор қилинганда айборд томон иккинchi томонга етказилган заарни қоплаш учун шартнома қийматига нисбатан белгиланган миқдорда жарима тўлайди.
- 5.5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қойдасига мувофиқ иккинchi томонга ёзма билдиришнома юбориб, белгиланган тартибда бир томонлома шартномани бекор қилиш хуқуқига эга.

#### **VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

- 6.1. Мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги ёки лойиха-смета ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун, буюртмачи фойдасига бажарувчидан бажарилмаган иш ҳажмининг 0,4% миқдорида пеня ушлаб қолинади. кечикирилган ҳар бир кун учун. Бундай ҳолда, пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 6.2. Иш учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, буюртмачи бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдори кечикирилган сумманинг 50% дан кўп бўлмаслиги лозим.
- 6.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун бажарувчи ва буюртмачи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгарликни ўз зиммаларига олади.

#### **VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

- 7.1 Томонлар ўртасида хўжалик шартномаларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишдан келиб чиқадиган низо, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар музокаралар йўли билан, шунингдек даъво тартибида ҳал этилади.

7.2. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Жавобгар жойлашган ҳудудидаги туманлараро иқтисод суди томонидан кўриб чиқилади.

## VIII. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ҲОЛАТЛАРИ (Форс-мажор)

8.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу табиий ҳодисалар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келган бўлса ва ушбу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир қилган бўлса:

Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолатлари кучга кирган даврга, шунингдек ушбу ҳолатлар келтириб чиқарган оқибатларга мутаносиб равишда кейинга қолдирилади.

8.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ давом этса, бажарувчи ва буюртмачи ишни давом эттириш ёки уни сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини муҳокама қиласи.

8.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, унда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

## XI . БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартнома ҳудудий ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласи.

9.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилган:

9.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар факат томонларнинг ўзаро розилиги билан амал қиласи ва қўшимча битим шаклида амалга оширилади.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

Буюртмачи:

Қорақалпогистон Республикаси ҳудудий  
бошкармаси “Сув таъминоти ва оқова сув  
объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси” УК

Бажарувчи:

«O'ZBEKKOMMUNALLOYIHAQURILISH»  
ДУК

Манзил: Нукус ш., Е.Алакоз кўчаси, р-сиз  
Тел: 61-223-95-03, факс:  
Х/Р: \_\_\_\_\_  
ИНН 305974651, ОКЭД 42210, МФО: 00868  
Ўзбекистон Республикаси Ғазначилиги  
Х/Р:23402000300100001010  
Тошкент ш. Марказий банк  
ИНН: 201 122 919, МФО: 00014

Манзил: Тошкент ш. Ниёзбек йули кўчаси, 1  
Тел: 71-234-16-07, 71-234-80-82  
Х/Р: 2021 0000 8001 0150 0001  
Банк: АКИБ «Ипотека банк» Мехнат филиали  
ИНН: 201 059 118  
ОКОНХ: 66000, МФО: 00423  
ОКЭД: 71120  
ҚҚС тўловчиси рег.коди: 326030018165

Рахбар: \_\_\_\_\_ Р.Мадатбаев  
М.У. (имзо)

*Хукуқшунос*



Бош директор: \_\_\_\_\_ Э.А.Мухамедалиев  
М.У. (имзо)

*Хукуқшунос*